



O'ZBEKISTON
YOSHLAR
ITTIFOQI

2018-YIL 6-MART,
SESHANBA

www.yoshlarovozi.uz
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

27
(16184)

YOSHLAR OVOZI

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

» YUKSALISH

БИР ПОФОНА ЮҚОРИГА



56 нафар йигит-қиз Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтининг тўрт ойлик ўқув курсини муваффақиятли тамомлади.

Қуни кеча уларга тантанали тарзда дипломлар топширилди. Мазкур тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари — Давлат бошқаруви академияси ректори Рустам Қосимов ҳамда Ёшлар иттифоқининг Марказий Кенгаши раиси Қахрамон Қуранбаев, шунингдек, бошқа мутасадди ташкилот вакиллари иштирок этди. Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш

институту давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 14 августдаги қарорига мувофиқ ташкил этилган. Таълим жараёнида тингловчилар ёшларга оид давлат сиёсати ҳамда мамлакатда олиб борилаётган ислохотлар стратегиясини, қолаверса, раҳбарлик ва бизнес психологиясини чуқур ўрганиб, молиявий ресурсларни бошқариш, инвестицияларни жалб этиш, дипломатик этикет каби йўналишларда зарур билим ва кўникмаларни эгаллайди. Шу мақсадда ўқув дастурига махсус фанлар

қиритилган. Улар нафақат малакали профессор-ўқитувчилар, балки Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, Вазирлар Маҳкамаси, тегишли вазирлик, идора ва қўмиталар, жамоат бирлашмалари, йирик корхона ва компаниялардан жалб этилган юқори лавозимдаги ходимлар томонидан ўтилади. Яна бир гап: тўрт ойлик ўқув курсида таълим олаётган тенгдошларимиз назария билан чекланмай, худудий ва маҳаллий

ҳокимликларда малакавий амалиётни ўташ имконига ҳам эга бўлмоқда. Эътиборлиси, улар муайян объектга шунчаки иш ўрганиш учун бормайди, балки ўша муҳитда ўзини турли даражадаги дублёр раҳбар сифатида сынаб кўриши мумкин. Дарвоқе, институт мутахассислари тингловчиларни индивидуал тарзда бир неча поғонали психологик тест ҳамда суҳбатдан ҳам ўтказиб, ҳар бирининг профессионал ва психологик портретини


шакллантирган. Тегишли хулосалар эса, Ёшлар иттифоқига тақдим этилган. Юқори кўрсаткичларга эришган ёшлар келгусида раҳбарлик лавозимларига тавсия этилиши мумкин. Ҳозир бу бўйича давлат бошқаруви ва ҳокимияти органлари билан музокаралар олиб боришмоқда. Тез орада тўрт ойлик ўқув курслари учун сараланган навбатдаги контингент машғулотларга киришиб кетади.

Малик СИНДОРОВ

» ESHITDINGIZMI?

Кембриж университетига ХОРАЗМИЙ ВА ИБН СИНО СТИПЕНДИЯЛАРИ ТАЪСИС ЭТИЛАДИ

Бундай келишувга Буюк Британияга сафар қилган мамлакатимиз делегацияси дунёдаги нуфузли олийгоҳ таркибига кирувчи Марказий Осиё форуми директори, профессор Сидхарт Саксена билан учрашуви чоғида эришди.



МИРЗО УЛУФБЕК юлдузлар глобусининг нусхаси ЮРТИМИЗГА ОЛИБ КЕЛИНАДИ



Ҳозирда ушбу ноёб илмий объект Оксфорддаги Фан тарихи музейида сақланмоқда. Глобусдан нусха олиш ишлари Ўзбекистонга оид хориждаги маданий

бойликларни тадқиқ этиш маркази томонидан амалга оширилади. Кейинчалик у Ўзбекистон Астрономия музейи экспозициясидан ўрин олиши кўтилмоқда.

» ЯНГИ ФАКУЛЬТЕТ ИШГА ТУШАДИ

2018/2019 ўқув йилидан Тошкент кимё-технология институти виночилик соҳаси бўйича малакали кадрлар тайёрлашни бошлайди.



» Санкт-Петербургда ЎЗБЕКISTONNING БОШ КОНСУМИГИ ОЧИЛДИ



У Россия Федерациясининг Шимоли-ғарбий федерал округига кирувчи худудларда яшайдиган фуқароларимизга хизмат кўрсатади. Муассаса 4-Красноармейск кўчаси, 4 "А"-уй манзилида жойлашган.

» "АХСИКЕНТ" МУЗЕЙГА АЙЛАНТИРИЛАДИ

Наманган вилоятида "Ахсикент" археология мероси объектини муҳофаза қилиш ва тадқиқ этиш ёдгорлик мажмуаси барпо этилмоқда. Милoddan аввалги III-II асрларда вужудга келган мазкур кўҳна шаҳар харобалари Турақўрғон туманидаги Шаҳанд қишлоғи худудидан топилган. Эндилдикда уни очик осмон остидаги музейга айлантирилади.



Ўз ахборотимиз .

» ИТТИФОҚ КАФИЛЛИГИ ОСТИДА

ЎРЛИГИ ПАНД БЕРДИ

Шофирконлик Камолидин уч ёшида онадан етим қолди. Саври ака ўғлини еру кўкка ишонмасди. Шу боис бошқа аёлга ҳам уйланмади. Ўғлини ҳалол ризқ билан боқиб, улгайтди. Ўсмир касб-хунар коллежини тамомлагач, ўртоғи Тўймурод Муҳаммадов билан маслаҳатни бир жойга қўйди. Ҳамқишлоқлари — Олим Ҳусенов ва Нозим Шобековнинг иш топиб бериш ҳақидаги ваъдасига ишониб, иккиси Тошкентга йўл олди. Меҳнатдан қочмайдиган дўстлар бозорлардан бирида аравакашлик қила бошлади. Бир куни Олим Ҳусенов ва Нозим Шобеков йигитларга хизмат борлигини айтиб, уларни Олмазор туманидаги

"Жоме" бозорига олиб боради. У ерда "Glass Expo" корхонасига қарашли умумий қиймати 250 миллион сўмлик 54 дона "Ariston" сув иситгич мосламасини юк машинасига ортиш керак эди. Иш битгач, Камолидин ҳамда Тўймурод хизмат ҳақини олиб, уйга жўнайди. Икки кундан сўнг улар юклаган нарсалар ўғирланган мол экани маълум бўлиб қолади. Ачинарлиси, ҳақиқий жиноятчилар ўзaro тил бириктириб, бутун айбни беғуноҳ икки аравакаш бўйнига қўйишга уринди. Бу фитна қисман амалга ошди ҳам. Камолидин ва Тўймуродга Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 55-, 56-моддаларига мувофиқ аяб қўйди. Жиноят иши очик суд мажлисида,

яъни маҳаллий жамоатчилик вакиллари иштирокида кўриб чиқилди. Бироз аввал Ёшлар иттифоқининг Бухоро вилояти кенгаши фаоллари айбланувчиларнинг оилавий шароитини синчиклаб ўрганганди. Иккиси ҳам намунали оилаларда тарбия топгани, муқаддам судланмагани ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини инобатга олиб, Иттифоқ уларни ўз қафиллиги остига олди. Суд мазкур ташаббусни қўлаб-қувватлаб, 4,5 йилдан муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазони бекор қилди. Йигитлар суд залидан озод этилди.

Л.САТТОРОВА



БИРЛАШТИРУВЧИ РИШТА

3



БАҲОСИ ЙЎҚ ХАЗИНА

4

» KO'RIK-TANLOV

ФОНАРЬ ЧИҚИНДИСИДАН
ТЕЛЕФОН ҚУВВАТЛАГИЧНИ КИМ ЯРАТДИ?

Республикамиз бўйлаб 8–10-синф ўқувчилари ўртасида “Энг намунали синф сардорлар кенгаши” кўрик-танловининг ҳудудий босқичлари ўтказилмоқда.

Равшана КУРЯЗОВА,
Шаҳноза ХОЛИҚОВА


Хоразм вилояти миқёсида ўтказилган беллашув чин маънода интеллектуал “жанг”га айланди. Бир-бирдан қизиқарли лойиҳалар тақдироти, жумбоқли саволларга тезкор жавоблар ўқувчиларнинг сардорлик салоҳиятини холисона баҳолаш имконини берди.

Болалар ишлаб чиққан “Синф тарихи”, “Сен устунсан”, “Барчани “юдуз” қиламиз”, “Ижобий интернет”, “Синфнинг хавфсизлик хизмати” каби ўнлаб ташаббуслар орасида Ҳазорасп туманидан келган жамоанинг

“Инновацион технологиялар тўғраги” лойиҳаси ҳакамларга манзур бўлди. Фонарь чиқиндисидан тайёрланган телефон қувватлагич тўғрақ аъзоларининг илк ишланмаси ҳисобланади. Лойиҳа рақиб жамоаларда ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Шундай қилиб, ҳазорасплик сардорлар 1-ўринга лойиқ қўрилди. 2-ўрин Гурлан туманига насиб этди. 3-ўринни эса, Урганч шаҳри ҳамда Богот тумани жамоалари бўлишиб олди.

Самарқандлик сардорлар ўртасидаги баҳслар ҳам қизгин ва муросасиз кечди. Кўрик-танлов доирасида 15 жамоа уч шарт бўйича беллашди. Энг қизиқарлиси, сўзсизки, сардорлар кенгаши аъзолари таклиф этган инновацион лойиҳалар тақдироти бўлди. Бир қанчаси ҳатто амалиётга



татбиқ этиш учун саралаб олинди. 1-ўринни Самарқанд тумани вакиллари қўлга киритди. Тайлоқликлар иккинчи, Каттақўрғон шаҳри сардорлари учинчи ўрин билан қирғоқланди.

— Очиғи иштирокчилардан кўп нарсга кутганим, — таъкиллади Самарқанд вилоятидаги “Камалак” болалар ташкилоти раиси Раъно Умарова. — Аммо ҳамма жамоалар таловга пухта тайёргарлик кўрган деёлмайман. Бир неча кун олдин 1–7-синфлар ўртасида худди шундай беллашувни ташкил қилгандик. Очиғи, болалар кичик ёшда бўлса-да, анчагина ҳаракатчанлиги билан ажралиб турди. Ўйлаётганим, бугун голиб бўлган сардорларимиз ҳам, етарли балл тўпловмаган жамоалар ҳам ўз устиди ишлашни қанда қилмайди. Барчага биламиз, бундан олдин ҳам бундай таъбирлар билан кўришгандик. Бир неча кун олдин 1–7-синфлар ўртасида худди шундай беллашувни ташкил қилгандик. Очиғи, болалар кичик ёшда бўлса-да, анчагина ҳаракатчанлиги билан ажралиб турди. Ўйлаётганим, бугун голиб бўлган сардорларимиз ҳам, етарли балл тўпловмаган жамоалар ҳам ўз устиди ишлашни қанда қилмайди. Барчага биламиз, бундан олдин ҳам бундай таъбирлар билан кўришгандик.



» YOSHLARGA OID DAVLAT SIYOSATI — AMALDA

67 ТА ЖИНОЯТ ҚАЙД ЭТИЛДИ, АММО...

Сардор БЕКЖОНОВ

Жиноятнинг берк кўчасига кирмоқчи ким ҳам хоҳлайди дейсиз. Аммо бу ҳаёт синови ситамларга бўй. Юртимизда ёшларга оид давлат сиёсати доирасида олиб борилаётган маънавий-тарбиявий ишларнинг бош мақсади эртанимиз эгаларини ана шундай хавф-хатарлардан асрашдан иборат.

Ёшлар иттифоқининг Навбахор тумани кенгаши фаолиятига юзландик. Ўтган йили мазкур ҳудудда воёга етмаганлар иштирокида 67 та жиноят қайд этилган. Гап рақамнинг катта-кичиклигида эмас. Ахир, бундай ҳолат битта бўлса ҳам жамият учун кўп-да. Шу боис 41 маҳалланинг ҳар бирида

Иттифоқ етакчилари посбонлар билан мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйган. Нотинч оилалар, ҳуқуқбузарликка мойил йигит-қизлар аниқланиб, улар билан профилактик тадбирлар олиб бориляпти. Ёшлар ташкилоти фаоллари тенгдошларининг бандлигини таъминлашга

ҳам имкон қадар ҳаракат қилаётди. Масалан, аввалги йили жазони ижро этиш муассасасидан озод этилган беш нафар ёш ишга жойлаштирилди. Жумладан, Гулбиддин Абдурашулов ҳозирда “Агро Амол Навбахор” масъулияти чекланган жамияти, Жўрабек Хусанов “Жамшид



келажаги” фермер хўжалиги, Рузимурод Рамазонов эса, “Тоза ҳудуд” давлат унитар корхонасида меҳнат фаолиятини олиб бормоқда. Умумий ҳисобда эса,

Иттифоқнинг маҳаллий кенгашига 79 нафар йигит-қиз бандлик масаласида мурожаат қилган. Шундан 46 таси қаноатлантирилган. Амалий саъй-ҳаракатлар давом этмоқда.

» AYOLLAR SPORTI

ФОЛИБЛАРГА КИТОБ



Абдулла НОРМАТОВ

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Ғалларол тумани кенгаши қизлар ўртасида стол тенниси

мусобақасини ўтказди. Беллашувда 29 та маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинидан вақтинча ишсиз ёшлар иштирок этди. Мусобақага тумандаги

болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийи Ўзғам Эгамқулов ҳакамлик қилди. Қизгин ва муросасиз баҳсларнинг якуний натижасига кўра, Сарбозор қишлоғида яшовчи Азиза Холдорова 1-ўринни қўлга киритди. Кейинги совриндор ўринлар “Олимплар” маҳалласи вакиллари — Нигора Умарова ҳамда Фазилят Тошмаматовага насиб этди. Фолиблар диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди. Шунингдек, барча фаол иштирокчиларга бадиий адабиётлар ҳадя этилди.

» OGOHLIK — DAVR TALABI

ИЛМАТДАН ҚАЙТАРИШ
ЙЎЛИ — ИБРАТ

Мафтуна МАҲАМАДИЕВА

Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Зангиота академик лицейида “Биз, ёшлар гиёҳвандликка қаршимиз!” шиори остида тарғибот тадбири бўлиб ўтди. Унда Ёшлар иттифоқининг маҳаллий кенгаши мутахассислари, туман ҳудудидаги “Қуёшли” кўрғонда жойлашган ҳарбий қисм аскарлари, лицей ўқитувчи ва ўқувчилари қатнашди. Иштирокчиларга “аср вабоси”га қарши

курашиш борасида ёшлар ташкилоти томонидан қилинган ишлар, махсус лойиҳалар ҳақида маълумот берилди. Аскарлар мазмуз юзасидан саҳна кўринишларини намойиш этди. — Гиёҳвандлик — умр заволи, — дейди лицей ўқувчиси Исрол Каримов. — Ўзим спорт билан шуғулланаман. Шу боис иллатлардан йироқман. Келажақда ҳарбий бўлиб, Ватанимга хизмат қилишни истайман. Бугунги тадбир иштирокчилари янада оширди.

DUNYO BIZ HAQIMIZDA

Лорд Муҳаммад Илтоф Шайх:
“ДУНЁДАГИ РАДИКАЛЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИГА
ҚАРШИ ЎЗБЕКISTON МАДАНИЯТИ ВА МАЪРИФАТИ
БИЛАН КУРАШИШИМИЗ КЕРАК”

Президентимиз шу йилнинг 16 февраль куни Бухоро вилоятига сафари чоғида Баҳоуддин Нақшбанд ёлгорлик мажмуасини зиёрат қилиб, ўтган қисқа фурсатда юртимизда диний-маърифий соҳада ижобий ўзгаришлар рўй бергани, Ўзбекистон Исрол академияси, Мир Араб олий мадрасаси, Имом Бухорий, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ўзбекистондаги Исрол цивилизацияси маркази шивил этилгани, эндиликда ушбу тузилмалар билан халқаро марказлар ўртасида илмий алоқаларни йўлга қўйиш, халқаро конференциялар ўтказиш, буюк аждоқларимиз меросини дунё бўйлаб кенг тарғиб этиш кераклигини таъкиллаган эди.

Шу мақсадда юртимиздаги етакчи исломшунос ва шарқшунос олимларнинг Буюк Британияга сафари уюштирилди. Делегация аъзолари Лондондаги энчиноамизда бўлиб ўтган тадбирда қатнашиб, мамлакат парламентининг Лордлар палатаси аъзоси, йирик сиёсат арбоби Муҳаммад Илтоф Шайх ҳамда Британиядаги нақшбандия тариқати вакиллари, уламолар, туристик компаниялар мутахассислари билан учрашди. Учрашувда Ўзбекистонда диний-маърифий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, зиёрат туризмни ривожлантиришга доир саъй-ҳаракатлар, хусусан, “Ҳалол” стандартининг жорий этилгани хусусида маълумот берилди. “Ўзбекистон — ислом

маданияти жаҳоҳири” мавзудаги тақдирот ва фильм намойиши бўлиб ўтди. Муҳаммад Илтоф Шайх ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий йўналишлардаги ижобий ўзгаришлар Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги дўстлари ва ишончли ҳамкорлари сонининг орттишига хизмат қилишини қайд этди.

— Ўзбекистон ислом маданияти ва фани ривожига улкан ҳисса қўшган дийр. Агар Ўзбек ҳозир ҳаёт бўлганида, Ойга биринчи бўлиб ўзбеклар қадам қўйган бўларди. Ал-Хоразмий бўлмаганида замонавий технологиялар ҳам кашф қилинмасди. Ибн Сино асарлари асосида Европа тиббиётни ўрганган. Биз дунёдаги радикаллашув жараёнларига қарши Ўзбекистон маданияти ва маърифати билан курашишимиз керак. Сизлар Имом Бухорий ҳадисларини инглиз тилига таржима қилиб, шарҳлаб беринг. Биз бу китоблар билан жаҳолатга қарши курашамиз, — деди лорд. Айтиш жоизки, Британияда буюк аждоқларимиз Абдуҳолиқ Ғиждувоний асос солган ҳамда Баҳоуддин Нақшбанд тақомилга етказган Ҳожагон-нақшбандия тариқати вакиллари истиқомат қилади. Уларнинг 70 дан зиёд жамоалари турли шаҳарларда кенг тарқалган. — Ўзбекистонда Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари ва тасаввуф алломалари илмий меросига қаратилаётган юксак эътибор ҳақида эшитиб, кўнглим тоғдек

кўтарилди, — дейди Лондондаги Нақшбандия тариқати етакчиларидан бири шайх Зимер Солиҳий. — Ўзбекистондаги етти пир қадамжоларини зиёрат қилиш, Ғиждувоний ва Нақшбанд ҳазратларининг таваллуҳ саналарига бағишланган халқаро конференцияларда иштирок этиш орузидаман. Юртингиз жаҳонга маънавий тарбия бўйича етук устозларни камол топтирган замин сифатида ҳаммиза қадрлидир. — Бугун Ўзбекистон ҳақидаги фильмни томоша қилиб, бу муқаддас заминга маҳаббат бўлди, — тан олди Лондонлик имом Муҳаммад Саид. — Президент Шавкат Мирзиёев БМТ минбаридан туриб ҳозирги мураккаб давр учун гоёт муҳим ташаббус ва тақдирларни илгари сурганди. Экстремизм, радикализмга қарши курашишда исломнинг асл манбалари — Имом Бухорий ҳадислари, Насафий тафсирига мурожаат қилиш лозим. Исрол маданиятини чуқур англамоқчи бўлганлар Ўзбекистонга келиши шарт. Юртингизда Имом Бухорий ҳадислари тўплами — “Олтин силсила” китоби нашр этилганини эшитдим. Бугунги кунда нафақат Европада, балки бошқа минтақаларда ҳам ҳадисларни турлича таржима қилиш ва шарҳлаш ҳаракатлари кузатилаётганини ҳисобга олсак, бундай эзгу ишни, биринчи гада, исломнинг асл гоёлари тарқалган дийр вакиллари — Имом Бухорийнинг чин ворислари амалга оширишга ҳақиқ, деб ҳисоблайман.

НУФУЗЛИ ЭКСПЕРТ
ИСЛОҲОТЛАРДАН МАМНУН

Женева шаҳрида давом этаётган БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 37- сессияси доирасида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири Русланбек Давлатов бошчилигидаги делегациямиз аъзолари Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) Бош директори Фрэнсис Гарри билан учрашди. Ўзаро мулоқот чоғида

нуфузли эксперт Ўзбекистоннинг у раҳбарлик қилаётган халқаро тузилма билан ҳамкорлигидан мамнун эканини айтди. Мамлакатимизда интеллектуал мулк ишончли ҳимоя қилиш, соҳага доир қўнучилик базасини такомиллаштириш юзасидан самарали ишлар қилинаётгани қайд этилди. Шу билан бирга, учрашув

давомида интеллектуал мулк ҳимояси бўйича мадалади кадрларни тайёрлаш, бу борда юртимизнинг халқаро майдондаги нуфузини юксалтириш, мазкур тармоқнинг Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти талаблари асосида барқарор ривожланишини таъминлаш бўйича амалий тақдирлар ўртага ташланиб, муҳокама қилинди.

“EUROPE & MIDDLE EAST OUTLOOK MAGAZINE”
тавсия қилади

Буюк Британиянинг нуфузли наشري янги имкониятлар ва қулай муҳитни излаётган сармоядорларга Ўзбекистонга эътибор қаратишни тавсия қилган. Журналда ёзилишича, мамлакат раҳбари томонидан амалга оширилган муҳим ислоҳотлар ва ишончли қадамлар эвазига Ўзбекистоннинг сармоявий жозибадорлиги янада ортган. Мақола давомида жорий йилнинг май ойида бўлиб ўтадиган “Global Oil & Gas

Uzbekistan/OGU – 2018” халқаро кўргазма ҳамда анжуман ҳақида сўз юритилди. Мазкур йирик форум аъзога мувофиқ, бутун дунёдан келадиган тармоқ компаниялари раҳбарлари, ишбилармон доиралар ҳамда илмий-тадқиқот марказлари вакиллари бир жойга йўналишларнинг бугунги ҳолати ҳамда истиқболларини баҳолаш имконини беради”, — деб ёзади “Europe & Middle East Outlook Magazine”.

мазкур жараёнда ишлатиладиган махсус техника ва асбоблар, муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбалари, углеводород хомашёсини чуқур қайта ишлашга инвестициялар киритиш, нефть-кимё саноатига доир янги лойиҳалар ва бошқа йўналишларнинг бугунги ҳолати ҳамда истиқболларини баҳолаш имконини беради”, — деб ёзади “Europe & Middle East Outlook Magazine”.

“Жаҳон” АА материаллари асосида тайёрланди.

БИРЛАШТИРУВЧИ РИШТА

Роҳатой ҚОДИРОВА

Баҳорнинг билк кунидан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Самарқанд вилояти кенгаши

“Ёшлар ҳашари” акциясини эълон қилди. Шу муносабат билан ҳудуд ёшларига махсус мурожаатнома йўлланган.



Йигит-қизларни эзгу мақсад йўлида бирлаштиришга хизмат қилувчи ушбу хайрли ташаббус Президентимизнинг жорий йил 23 февралда қабул қилинган “2018 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш тўғрисида”-ги қарори мазмунидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилмоқда.

Бошқаларга ибрат кўрсатиш мақсадида, биринчи навбатда,

Иттифоқ фаолларининг ўзи энг шимариб, ишга киришди. Кунни кеча уларнинг саъй-ҳаракати билан Самарқанд шаҳридаги аксарият маҳаллалар кўкаламзорлаштирилди. Шунингдек, қабристон ва зиёратгоҳлар тозаланиб, тартибга келтирилди.

— Ҳашар — меҳр - саховат элчиси, — дейди Ёшлар иттифоқининг Самарқанд вилояти кенгаши раиси Рустам Қўбилов. — У одамларни ҳеч

бир манфаатсиз бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишга ундайди. Мана шундай гўзал, умрбоқий қадриятни бугунги ёшлар орасида оммалаштиришга, унинг мазмун-моҳиятини теран англаштиришга баҳоли қудрат ҳаракат қилишимиз. Уринимимиз бесамар кетмаслигига ишончим комил.

Эслашиб ўтамиз, “Ёшлар ҳашари” акцияси жорий йилнинг май ойигача давом этади.

TASHABBUS

ҲАМ ҚАРЗ, ҲАМ ФАРЗ

Соҳида САПАЕВА



Хайрли ишдан Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Хоразм вилояти кенгаши фаоллари ҳам четда қолгани йўқ. Уларга Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиали талабалари эш бўлди.

Ҳашарчилар ишни Амир Темури номли истироҳат боғи ҳамда “Ёшлар кўли” дам олиш масканидан бошлади.

— Ҳашар инсонда эзгу

фазилатларни тарбиялайди,

бирдамликка чорлайди, — дейди Ёшлар иттифоқининг ҳудудий кенгаши ходими Анвар Адамов. — Шу тўғрисида неча асрлардан буюн миллий қадрият сифатида улуғланиб

келинмоқда. Азалдан ота-болаларимиз ҳашар йўли билан не-не бунёдкорлик ишларини амалга оширмаган дейсиз. Аждодларга муносиб бўлишга интиляймиз. Бугун биз

учун қадрдон гўшага айланган Ёшлар маркази атрофини ҳам ободонлаштириб, кўчатлар экдик. Очиғи, шахсан ўзимнинг баҳри дилим очилди.

Ёшлар Ҳазорасп туманидаги “Шаҳидларбобо” қабристониди ҳам ободонлаштириш ишларини олиб борди. Бу савобли амалга 100 нафарга яқин тенгдошимизнинг қўли теги.

— Қаровсиз қабрлар атрофини тозалаб, даракларни оқладик, — дейди кўнгилдилардан бири Яшнарбек Файзиёв. — Бундай хайрли ишга бош кўшганимдан хурсандман.

ТАЛАБАЛАР БОҒ ЯРАТДИ

Шоҳрух ИБОДУЛЛАЕВ

Ажинеъ номидаги Нукус давлат педагогика институти талабалари олийгоҳ ҳудудида “Ёшлар боғи”ни ташкил этиш ташаббуси билан чиқди.

Шу мақсадда дам олиш кунларида унлаб кўнгилдилар ҳашарга отланди. Чет тиллари факультети ҳамда талабалар тураржойига қарашли ҳудудлар ободонлаштирилди.

Ариқлар тозаланиб, ҳазон ва шох-шаббалар олиб чиқилди.

Сунгра йигитлар тупроқни юмшатиб, яхши ният билан манзарали ва мевали даракт ниҳолларини ўтказди. Илк кўчатни ерга Ёшлар иттифоқининг институтидаги бошланғич ташкилоти етакчиси Бахтиёр Бекмуратов қалади. Энди барча факультет талабалари дарсдан кейин навбатма-навбат боғқа чиқиб, навниҳолларни парваришлайди.



INNOVATSIYA

УЧ ЮМУШНИ БАРАВАР БАЖАРАДИ

Наргиза УМАРОВА

Андижоннинг Жалақудуғида туғилиб-ўсган Ойжамол Имайдинова кўринишидан жуда нозик қиз. Талаба. Ҳойнаҳой, ё муаллим, ёки шифокорликка ўқияпти дерсиз. Аммо топмадингиз. Бу тенгдошимиз мутлақо бошқа соҳани танлаган. Яна бир йилдан кейин агроинженер дипломини қўлига олади.



Ана холос! Боболардан мерос қишлоқ ҳўжалиги илмини эгаллашда бугунги қизлар ҳам қолишмаётган экан-да. Ойжамолга иккинчи томондан ҳам қойил қолиш керак. У Ўзбекистондаги барча фермерларнинг орзусини ушлатири олди. Жуда керакли тадқиқотга қўл уриб, бугунги эҳуви инновацион машина (сеялка) яратди. Энди мазкур ишланмасига патент олишни режалаштирган.

— Бугунги уруғини ерга қа-

дашда деҳқонларимиз анча қийналади, — дейди ёш тадқиқотчи. — Сабаби амалда қўлланилувчи сеялкалар Германиядан келтирилиб, жуда катта ҳажм — 800 килограммгача уруғликка мўлжалланган. Биздаги тракторлар бундай юкни торта олмайди. Қолаверса, дон экиш машинаси уруғини айнан мўлжалдаги жой, яъни олдиндан тайёрлаб қўйилган сугориш ариқчалари ичигагина эмас, балки атрофига ҳам сеппи чиқади. Натижада, хомаш-

ёнинг бир қисмини йўқотамиз. Ариқчаларга тушмай қолган уруғлар очик майдонда қолиб кетиб, ёмғир ва қор таъсирида нобуд бўлиши аниқ.

— Илмий раҳбарим профессор Толиб Худойбердиев билан ҳамкорликда яратган агрегатимиз эса, бир йўла учта вазифани бажаради: ариқчалар очади, уруғларни сочади ва ерга ишлов беради. Ундан экинни ўғитлаш жараёнида ҳам бемалол фойдаланиш мумкин. Экспериментал модель ҳар бири

50 килограмм сийғимли иккита бункердан иборат. Тўрт бункерли варианты ҳам бор.

Инновацион сеялка Андижон туманидаги бир қанча фермер ҳўжаликларида муваффақиятли синовдан ўтказилди. Самара йилдан-йилга яхшиланимоқда. Ҳосилдорлик 15-20 фоизга оширилиб, дон экиш машинаси учун керакли ёнигли сарфини эса, аксинча, 20-25 фоизга қисқартиришга эришилган.

Жорий йилда Ойжамол Хотин-қизлар қўмитаси қошидаги Ихтирочи аёллар уюшмаси томонидан илк бор ўтказилган “Ўзбекистон аёлларининг 100 та энг яхши инновацион лойиҳаси” кўрик-танловига ҳам қатнашиб, совриндорлар сафидан жой олди. Мазкур беллашувнинг вилоят босқичида қаҳрамонимиз 116 нафар иштирокчини ортада қолдирган. Финалда ғолиблар ўн битта йўналиш бўйича аниқланди. “Талаба-қизнинг энг истиқболли инновацион лойиҳаси” номинацияси бўйича бош соврин Ойжамол Имайдиновага насиб этди.

— Отам, амакиларим сабаб болалиқдан фермерликка меҳр қўйдим, — дейди тенгдошимиз. — Бир вақтлар туманимизда Манзура Эгамова исмли аёл ҳоким бўлган. Жуда ишбилармон, мард ва бир сўзли раҳбар эди. Ернинг тилини биларди, дала-дала юриб, деҳқонларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватларди. Шу инсонга ҳавас қилиб, фермер бўлиш истагини дилимга тугдим. Қачон қараманг, тракторнинг ичинини титкилаб ўтирдим. Ниятим холис экан — ҳозир Андижон давлат университетининг агроинженерия факультетига тахсил оляпман. Бакалавриятдаёқ илмга шўнғиб, фермерларимиз оғирини энгил қилишга хизмат қиладиган мослама ярата олганимдан фахрланаман. Магистратурада ҳам тахсил олоқчиман. Келажакда ҳам олимма, ҳам педагог бўлсам дейман. Барча орзуларим рўёбга чиқишига сира шубҳам йўқ. Ахир, ёшларга улкан имкониятлар эшиклари очилган юрда яшаймиз-ку!

ENTIROM

Тоннинг оқ алангаси

Алиба УМИРОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Ҳар йили эрта баҳорда Ҳикки боғлам бинафша кўтариб, ўзбекнинг сеvimли шоираси Зулфияхонимнинг ҳайкали қошига борар эканман, қалбимга яқин ушбу мисралар қулоғим остида жаранглайди:

Эъзозлар, ариқлар
учун ташаккур,
Асли Сиз офтобим,
мен зибсиман.
Тонгаингиз қулсин
дориламон, ҳур,
Бахтим шул —
Ўзбекининг Зулфиясиман.

Она юрт, севги, баҳор мадҳига йўғрилган ушбу сатрлар ила нурланган ҳар бир кўнгил ҳамини ана шундай самимий изҳорларга мушток. Бундай ўтли мисралар Ватанини, ҳаётни севишга, инсонни қадрлашга, гўзалликка чорлайди. Аслида туғилган гўшага ички ришталар билан боғланиб, шукроналик ҳиссини туйиш ижодкор учун қанчалик бахт булса,

китобхон учун шунчалик фахрлидир. Қўклам ва бахт куйчиси Зулфиянинг шеърларини мутолаа қилганимизда, тонгнинг оқ алангаси, қировда тобланган майсалар нафаси, қумуш нурлар жаранги, қор тағидан бош кўтарадиган бинафшанинг ифори димоғимизга урилади. Шоира баҳорда таваллуд топгани боисми, табиат манзаралари ҳаётига, тақдирига уйғунлашиб кетган.

Аёл — нозик хилқат. Лекин ўзбек аёли, айниқса, ОНА қалбини шеърда яхлит тасвирлаш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Зулфияхоним шеър-

рияида аёллар дунёси алоҳида ўрин тутди. Ўзи ҳам истеъодли, меҳнати, ростгўйлиги билан ҳурмат топди. “Бир мавзуда чекланиб қолгим келмайди. Лекин дугоналарим, тенгдош-замондошларим ҳаёти, ўзбек аёлининг ҳозирги қиёфаси ўзининг шоирона ифодасини талаб этиб, мени ҳамини ҳаяжонга солади”, — дея ёзади эсдаликларининг бирида. Чиндан ҳам инсон юрагида бонг урган ҳиссиёт борки, барчаси аёл қалбига жо.

Шоира турмуш ўртоғи — Ҳамид Олимжонсиз элик баҳорни қаршилаган бўлса-да, ҳар доим “Қаламинг қўлимда, созинг қалбимда” дея ҳаётни куйлади. Юракдаги ҳасратларини дилгир мисраларга тўкиб, баҳра олди:

Икки кўзим
икки қорачиқ —
Мунисим Ҳўлқарим,
аллим Омоним.
Ширин набиралар
ҳаётдан тортиқ,
Ҳар бирин жонига
пайванддир жоним.

Бир сўз билан айтганда, Зулфияхонимнинг битиклари бугун ҳам барчамизни осуда замонамизнинг қадрига етишга ундайди. Унинг ҳар айтган сўзи қалбда эзгулик, ҳақиқат, тимсоли бўлиб муҳрланади.

YOSHLIK ILHOMI

Омадбекнинг ақли кирди

Шоҳрухбек АБДУКАРИМОВ,
ўқувчи

Уч дўст — Азизбек, Саиджон ва Омадбек Бағдод шаҳарчасининг Бобуршоҳ кўчасида яшайди. Азизбек ва Саиджон аълочи, ақлли болалар. Омадбек эса, шўх ва дангаса. Ҳақиқатда хуши йўқ. У дўстлари каби яхши бола бўлишни хоҳлайди, бу ҳақда ота-онасига кўп бор ваъда берган. Фақат уддасидан чиқолмаяпти.

Бир кун у дасасининг кўшилари билан суҳбатини эшитиб қолди. — Маҳмуд олим янги мослама ихтиро қилибди, — деди Акбар амаки. — Аппаратни бошига кийган одамнинг ақли мизра бўлармиш. Омадбек: “Мана энди мен ҳам ўртоқларим каби аълочи бўламан. Уша аппарат меники бўлади!” — деб

суноди. Ниятига етди ҳам. — Қаранглр, бошимда мени билимдон қилиб қўядиган мослама бор. Ура! Энди дарс қилмасам ҳам бўлаверади. Омадбекнинг бу гапларига дўстлари ҳайрон қолди: — Сен яхши иш қилмабсан, — деди улар. — Ҳа, ўғирлик ёмон! Аъло баҳоларга ўқини истасанг, сенга, албатта, ёрдам

берамиз: бирга дарс тайёрлаймиз, китоб ўқиймиз. — Э, ўзимни қийнаб нима қилдим?! Мана, тайёр мослама бор-ку. Мени аълочи қилади-қўяди. Уйда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, Омадбек аппаратни бошига кўндиради. Бирдан атрофдаги ҳамма нарса йириқлашиб кета бошлади. Ваҳимага тушиб, ўзини дераза томонга урди. Одамларни ёрдамга чақирди. Бироқ ҳарчанд уринмасин, овозини ҳеч ким эшитмади. Ташқарига чиқди. Лекин уни ҳеч ким кўрмаётганини пайқайди. Қилган ишдан жуда афсусланди. Шу тобаа Азизбек қўлида лупа билан майда нарсаларни томоша қилаётганини кўрди. Югуриб келиб, лупа тўғрисида туриб олди. Азизбек дўсти заррадай бўлиб кетганини кўриб, кўрқиб кетди. Омадбек кўз ёшларини тиймади. Хуллас, мосламани топиб, уни ўз ҳолига келтирди. Уч дўст олимнинг олдида бориб, уэр сўради. Ушандан буён Омадбек ўртоқлари билан дарс тайёрлашни қанда қилмайдиган бўлди.

UMR MANZARALARI

ПУШАЙМОНЛИК


Насиба АБДУЛЛАЕВА

— Биродарлар, марҳума қандай аёл эди? Имомнинг бу мурожаатидан халойиқ қалқиб тушди. Одамлар орасидан “Баҳоси йўқ эди”, “Мусичадек беозор эди”, “Жаннати аёл эди”, деган таърифлар эшитилди.

Бу мақтовлар Қодирнинг юрагини пора-пора қилди, гўёки кўнглидаги пушаймонлик оловига мой сепди. Назарида ҳамма унга тикилгандек, ижиргангандек туюлди. Боши эгилди.

Қодирнинг онаси хокисор, бутун умрини оиласига, тўрт ўғлига бахшида этганди. Уч ўғли эл ичида ҳурмат-этибор топди. Лекин гуруч курмакисиз бўлмас экан. Кенжа ўғил — Қодир оила шайнига пугур етказадиган жамки ишларга қўл урди. Олий маълумотли бўлса-да, бир ишнинг бошини тутмади. Об-рўи хонадоннинг бамаъни қизига уйлантиришди. Ойлалиман, икки фарзанднинг отасиман, демади. Улфатбозлик, ичкиликбозликдан тийилмади. Кафреда мушталлашиб, биронинг жағини синдирган ҳам шу, машинада одам урган ҳам шу.

Онаси ишша синиғи устида юргандек кун кўрарди. Отаси ва акаларининг насиҳатлари қор қилмади. Унинг қилқларидан безор бўлиб ҳовлидаги устунга боғлаб ўрмоқчи бўлишди. Ялангоч, рў-молсиз уйдан югуриб чиққан она-зор Қодирга қалқон бўлди. Ҳақиқатда унинг йўлга юрмади, она қалқон бўлишдан чарчамади. Лекин кун келиб қалқон ҳам букилар, синар, парча-парча бўлар экан. Кечгача уй юмушларидан тинмайдиган аёл қон босими ошадиган, юраги санчиб ётиб



қоладиган бўлди. Худбин фарзанд эса, онасининг аҳволига парво қилмасди. Хотини унинг одам бўлмаслигига кўзи етди, чоғи, икки боласини олиб уйдан чиқиб кетди. Зўрга юрган она-зорга бу зарба дард устига чипқон бўлди, уни йиқитди. Шифокорлар умид ёлғиз Оллоҳдан эканини айтиб, уйга рухсат берди. Онанинг аҳволи оғир эди. Чилёсин ўқийтган мулалардан бири чиқмаган жондан умидвор турган ота ва ўғилларни ичкарига чорлади. Бемор базур нафас олар, лекин фикри тиниқ эди. — Қодиржон, болам, ёнимга кел, — дея она негадир биринчи бўлиб унга юзланди. — Сенинг олдинда айбдорман, қароғим. Кўнглингда йўл тополмадим. Нима хоҳлашингни билолмадим. Она хирқираб қолди. Кўз ёшлари ёстиққа сизиб оқди. — Болаларим, мендан кейин Қодиримни ташлаб қўйманглр,

ёмон деб кўксидан итарманглр. Қодиржон, болам, куним битиб турибди, ўлсам қабрга ўзинг қўйгин, хўпми?! Фақат қўяётиб кўз ёш тўкма, ўзим ўргатган оятлардан ўқи. Кўмиб бўлгандан сўнг халойиққа қўшилиб, бир ўзимни ёлғиз ташлаб кетмагин, ўтириб Қуръон тиловат қилгин, қўзим. Мени кечир, болам. Бемор фарғара тортиди. Ҳақиқатда қўли қолди, онасининг музлаб қолган қўларини маҳкам ушлаб олган, гўё шундай қилса уни олиб қоладигандай. Қодир онасини қабрга қўйди. Волидаси айтганидек, оломон тарқалса ҳам қабр ёнидан жилмади. Қуръон тиловат қилиш ҳам эсидан чиқиб кетган экан, билганини ўқийверди. Қабристондан чиқаётиб жудаям қимматли гавҳаридан ажралганини, бу йўқотишга сабабчи ўзи эканини тушуни. Анчадан буён инсоний ҳис-туйғулардан мосуво бу қимсани пушаймонлик ўз исқанжасига олди.

Баҳоси йўқ хазина

Зулфизар МАВЛОНОВА,
Бухоро маданият коллежи ўқувчиси

QADRIYAT

Ўлкамизда кўнлам нафаси ҳукмрон. Бу ажиб фаслда бутун борлиқ уйғониб, табиат чирой очади. Шундай сурурбахш дамларда дил яйрайди, қиру адирларга чиқиб, беихтиёр қўшиқ айтгинг келади. Ҳа, баҳорнинг ана шундай ажиб хусусияти бор-да.



Энди куним ўтади, Ҳар куним вой-вой билан Бувим қўшиқларни қандайдир кайфият билан: гоҳ кувониб, гоҳ изтироб кекиб айтари. Айниқса, алмаси ўзгача эди.

мароминга етказиб қўйлардики, тинглаб тўймадингиз. Сузларининг мазмунини теган аниқламасангиз, ижро усули, ширали овоз ва оҳангдан вужудимиз ором олиб, сеҳрлини қолардик, гўё.

Хадемай, Наврўзи оламни нишонлаймиз. Ушбу байрам Шарқ халқлари учун жуда азиз ва мўтабар. Чунки у ўзида кўнлаб қадриятларни мужассам этган. Кўнлама айёмида момолар, қиз ва йигитлар табиат қўйнига чиқиб, лапарлар, ўлану айтишувлар ижро этади. Асрлар оша безавол сақлаб келинаётган ушбу адабий меросимизни дур тўла сандикқа қийслаймиз. Халқ оғзаки ижоди намуналаридан аждоларимизнинг қувончу ташвишлари, ҳасрату аламлари ўз ифодасини толган. Шунинг учун улар ўта самимий, содда ва дилгирдир. Тиллардан-тилларга кўчиб келаётган қўшиқлар қалбга кўеш нурлари каби илиқ ҳарорат, завқ-шавқ бағишлайди. Жуда кўп термалар, лапар ва ўланларни бувижонимдан ўрганганман. Болаликда у кишининг хиргойларини жон қўлғимиз билан эшитардик, ҳар мисрасини ёд олардик. Сув келади сой билан, Қўшни бўлдим бой билан.

Алла айтсам, овунчим, Опоқ кўзим, алла-ё. Бешингнда қувонгин, Жоним болам, алла-ё. Алла-алла, адоғим, Уйда ётган қадогим. Алла-алла, сардорим, Танимлаги мадорим. Ҳали тонг отмагандир, Юдузлар кетмагандир Алла-алла, алла-ё... Бувим биронта ҳам муслиқий чолғунни ишлатмай лапарларни шундай

Эндай уйлаб кўрсам, бувижоним қўшиқларни шунчаки эмас, балки юраги билан айтган экан. Уларнинг қатида қалб изтироблари, орзу-умидларини яширган. Салом биздан бўлганда, Алик сиздан, дейди-ё. Қизим сиздан бўлганда, Қилқ биздан, дейди-ё... Мана шу мисраларни хаёлимдан тақрор-тақрор ўтказар эканман, халқимизнинг закийлигига қойил қоламан. Бу қўшиқлар биз учун баҳоси йўқ хазина. Уни асрашимиз керак.

KO'NGILDAN KO'CHIRMALAR

Сепимга китоб йиққанди

Сайёра ТҮҲЧИЕВА

Бувим боғдорчиликка қизикарди. Бу соҳанинг сир-асрорини ҳам билган. Ҳатто ҳовлиларидан битта дарахта икки хил мева ўсганини кўрганмиз. Бувимнинг дарахтларни пайвандаш асосида ана шундай фаройиб навларни яратиши мени доимо лол қолдирарди. 8 март арафаси эди. Гай-булла амаким жўраси билан бувимнинг боғига келиб, чамаси ўнта қўчат олиб кетди. Ушанда мактабдан эндигина қайтгандим. Меҳмонлар кетгач, бувим кўчатнинг ярим пулини ажратиб: — Қайси китобга пул етмаётган эди? — деб сўради. — “Ўзбек халқ эртаклари”га. — Уни олиб бергандим-ку, — ҳайратланди бувим.

— У биринчи қисми эди. Иккинчиси ҳам бор. Бувимнинг чехраси ёришди. Негаки китоб ўқишимизни ҳаммиша хушлаган. Шундай қилиб, бувим мен истоган китобни сотиб олиб берди. Тўй куним сира ёдимдан чиқмайди. Сарполаримни машинага ортаётганларидан катта қоғоз қўти йиртилиб, китоблар ерга сочилиб кетди. Қайнонам билан гаплашиб турган бувим қудаларга қараб: “Қизимнинг сепига китоб йиққанди”, — Насиб этса, олима бўлади”, — деди. Энди уйлаб қарасам, умри ҳалол меҳнатда ўтган бувим иам инсоннинг зийнати эканини яхши англаган. Ҳақиқатда ўқиш-ёзишни ўргана олмаган, китоб мутулаа қилишга имкони йўқ бўлса-да, ҳаёт сабоғини яхши ўққан экан.

PSIXOLOG MASLANATI

— Қизим тўрт ёшда. Ҳақиқатда ва ёзишни билади. Мен уни эрта тайёрлов мактабига олиб бормоқчиман. Аммо уйимдагилар қарши. Бундай муассасалардаги машғулотлар бола руҳиятига салбий таъсир этиши мумкин экан. Шу ростми?

Ноира БОБОМУРОДОВА Самарқанд шахри

Саволга психолог Дурдона ЁРМУҲАММЕДОВА жавоб беради: — Ота-оналар боласини кичик ёшиданок ўқиш-ёзишни билиши билан фахрланиб юради. Фарзанди ушбу кўникмаларга эга бўлмаса тушқунликка тушиб қоладиганлари ҳам йўқ эмас. Шунда баъзилар боласини дарров эрта тайёрлов марказига етаклайди. Бола руҳияти билан эса, қизикмайди. Аслида ўқиш ва ёзишни эрта ўрганиши инсон мия фаолияти учун фойдалилиги исботланмаган. Аксинча, бу ҳолат асаб тизимига салбий таъсир кўрсатади. Агар фарзандингиз уч-тўрт ёшида шиддат билан ўқий бошласа, билингки, миясининг чап ва ўнг ярим шарлари ўртасидаги алоқа сусайган. Бу эса, унинг нафақат соғлиги, балки ҳулиқига ҳам салбий таъсир кўрсатиши аниқ. Аммо эрта тайёрлов марказларини мутлақо кераксизга чиқариш нотўғри. Болани ёшига мос мантиқий фикр-лашга ўргатувчи машғулотлар, ўйинларга жалб этиш мумкин. Асосийси, шовшмастик керак. Вақтдан ютаман, деб фарзандингизни болаликдан мосуво қилманг.

Алҳамбек АЛИМБЕКОВ

САДОҚАТ

Сени мендан ҳеч нарса ажратолмас! Кўз ёшларим пардасиан ўзга.

ОЛИЖАНОБЛИК

пул тўла ҳамён топиб олганда суюниш эмас, ҳамён йўқотганга ачинишда.

НЕГА?

Кўёш нур таратмаса ҳаёт йўқ. Аммо осмон безағи юдузларни кўринмас қилиб қўяди.

MUTAXASSIS OGOH ETADI

Муҳими жаримага тортиш эмас

М.КАРИМОВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони биносини ёнгидан муҳофаза қилувчи ёнги хавфсизлиги бўлимининг инспектори, сержант

Ёнги хавфсизлиги ходимлари томонидан мунтазам равишда профилактика тадбирлари олиб борилаётган.

O'QING, BU QIZIQ!

АҚШДА “КИНДЕР СЮРПРИЗ” ШОКОЛАДИ ТАҚИҚЛАНГАН

Бу маҳсулот дунёнинг кўнлаб мамлакатларида сотилади. Фақат океан ортида эмас. Сабабини америкалик қонун ижодкорлари қуйидагича тушунтиради: бола билмай туриб тухум ичидаги ўйинчоқни ҳам шоколадга қўшиб еб қўйиши мумкин. Ана холос!



БУОК БРИТАНИЯНИНГ ПАРЛАМЕНТИ БИНОСИДА ВАФОТ ЭТИШ МУМКИН ЭМАС



Бундай гайриоддий қоида бежиз жорий қилинган йўқ. Гап шундаки, бирон бир инсон парламент биносида ҳаётдан кўз юмадиган бўлса, уни ҳукмат дафн этишга мажбур. Демак, газнадан муайян миқдорда маблағ ажратиш талаб қилади.

МУАССИС
ЎЗБЕКISTON ЁШЛАР ИТТИФОҚИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигидан 2017 йил 2 августда № 0242 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.
БОШ МУҲАРРИР
Каримов Фахриддин Турдалиевич

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ
Камолитдин Бекназаров, Мансур Бекмуродов, Лазиз Тангриев, Мадамин Сафаров, Алишер Саъдуллаев, Дилмурод Набиев, Азим Мирзажонов, Нодир Абдуқодиров, Наргиза Умарова – бош муҳаррир ўринбосари (“Yoshlar ovozi”); Ирина Кочергина — бош муҳаррир ўринбосари (“Молодежь Узбекистана”); Елена Калинина — масъул котиб (“Молодежь Узбекистана”).

Дизайнерлар
Рўзиёв Зафар Хусанович
Абдуллаев Хуршид Уктамонович
Навбатчи
Нозима Мияссарова

«YOSHLAR OVOZI»дан материалларни кўчириб босиб тахририят руҳсати билан амалга оширилиши шарт. Тахририятга келган кўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Тахририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97, (371) 233-79-69 (факс).
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz
«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси Босмахонасида, А-2 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.
Индекслар: 203, 3203
Баҳоси келишилган нархда.
Буюрма Г-336
Азоди — 27180
Босмага ташлаш вақти — 21:00
Телерадио — 22:10
Рақ. нумари